*Эурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен*

# Хабар

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 10 апрель № 14 (294) ● Сотувда нархи эркин



***Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳарлараро телефон станцияси телефончилари Гулбаҳор СОЛИЕВА, Елена ФАЙЗИЕВА, Собира ИСЛОМОВАлар одамларнинг узоғини яқин қилиб, мижозлар олқишига сазовор бўлишмоқда.***

***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат***

## РАҚОБАТ БОР ЖОЙДА...

***Ўтган йили уяли алоқа бўйича иш юритадиган «Ўздунробита» қўшма корхонаси филиалини Термиз шаҳрида очгандик. Бунга қадар вилоятимизда уяли телефон алоқа хизматидан фойдаланиш орзу эди, холос. Ҳозирги кунда қарийб 200 нафар мижозларимиз бор. Улар дақиқалар ичида дунёнинг турли бурчаги билан боғланиш имкониятига эгадир.***

Ўтган йилнинг март ойидан бошлаб «Ўздунробита» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Сурхондарёдаги тармоғини очиш йўлида талай ишлар қилинди. Тармоққа уланиш ва уяли телефондан фойдаланиш харажатидан қайтмайдиган мижозларни топиш биз учун осон бўлмади. Аммо бу янгилик аҳамиятини ўз вақтида сезганлар бирин-кетин бизга мурожаат қила бошлади. Ҳозир улар АҚШда ишлаб чиқарилган «Стартан» ва Финляндиянинг «Ноки 2160» русумли уяли телефон аппаратларидан кенг фойдаланишмоқда. Уяли алоқанинг шарофати билан мижозларимиз йўлда кетатуриб ҳам, белгиланган манзилга боргандан кейин ҳам исталган жой билан гаплашишга эришмоқдалар. Бу хизмат айни шу бозор иқтисодиёти чуқурлашиб бораётган тиғиз паллада асқотмоқда.

Кейинги бир йил ичида вилоятнинг жанубий минтақаси тўлиқ уяли телефондан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бунинг учун Жарқўрғон туманида зарур жиҳозларни ўрнатдик. Жорий йилда эса шимолий минтақадаги Сариосиё, Узун, Денов ва Олтинсой туманларида бу беминнат хизмат йўлга қўйилади. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги 100 миллион сўм ажратди. Бу маблағдан оқилона фойдаланиб, воҳада уяли алоқани янада кенгроқ йўлга қўямиз. Умуман олганда, Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиевнинг ўзи вилоятда уяли телефон тармоғини кенгайтиришга катта эътибор билан қарамоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, биз мижозлар сафини кенгайтириш мақсадида қатор имтиёзли қулайликлар ратганмиз. Агар ўтган йили тармоққа уланиш баҳоси жисмоний шахсларга 1200 доллар, ҳуқуқий шахсларга эса 900 доллар бўлган бўлса, айни пайтда уларнинг ҳар иккаласи ҳам 500 долларга туширилди. Ҳар бир мижоз билан ўз ўрнида ҳисоб-китоб йўлга қўйилгани боис дебиторлик-кредиторлик қарзлари бўлмайди.

Биздан кўпинча «Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатдан чўчимайсизлармиз?» деб сўрашади. Шунда қатъий қилиб, «Йўқ» деб айтамиз. Чунки рақобат бор жойда иш бор, сифат бор. Шундай экан, масъулият бизни доимо ҳушёрликка чорлаб туради. Ҳушёр одам эса ҳар қандай шароитда ютқазмайди, янгиликка интилади, бу йўлда тинмай изланади. Жамоамиз малакали, серғайрат мутахассис ходимлар ҳисобига шаклланган.

Дунё ишбилармонлари билан ҳамкорликка интилаётган ва турли мамлакатлардаги ватандошлари билан дақиқалар ичида боғланаётган юртдошларимизга хизмат қила олаётганимиздан мамнунмиз.

***Алишер ЭШОНОВ,***
***«Ўздунробита» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи***

Бугунги кунда иқтисодиётни илмий-техника усули орқали бошқаришда қатор замонавий алоқа воситалари қўл келмоқда. Бошқарувнинг компьютер ва қоғозсиз технологияси ана шундай техник восита сифатида қўлланила бошланди. Бундай мураккаб илмий-техник жараённи юзага келтиришда Тошкент давлат иқтисодиёт университети олимларининг илмий ишланмалари асқотмоқда.

## БОШҚАРИШНИНГ КОМПЬЮТЕР ВА ҚОҒОЗСИЗ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қоғозсиз компьютер технологияси бошқаруви асосида ишлаб чиқилган услубий изланишлар ҳам юзага келди. Бунда кафедра олимларининг Ўзбекистон Фанлар Академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорлиги алоқа тизимининг ўта мураккаб бўлган ана шу йўналишини ўз вақтида амалиётга татбиқ этиш имконини берди.

Эндиликда ахборот-компьютер тармоғи ҳамда ахборот-компьютер технологиясини ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш учун мустаҳкам илмий-амалий негиз юзага келди. Бу эса алоқа ва телекоммуникацияларни янги техникалар билан қуроллантиришга ҳам хизмат қилади.

***А. АКБАРОВ***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига муқаддас қурбон ҳайити муносабати билан Мальдив Республикаси Президенти Маъмун Абдул Қаюмдан, Иордания Ҳошимийлар Подшолиги Подшоҳи Ал-Ҳусайн бин Талалдан эзгу тилаклар билдирилган қутловлар келди.**

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг нашри — «Ҳуқуқ-Право» деб номланган илмий-назарий юридик журналнинг биринчи сони босмадан чиқди.

● **Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида бўлган «Ўзбекистон-Россия» дўстлик жамиятининг таъсис мажлисида жамият Низоми қабул қилинди. Жамиятнинг бошқарув органлари ҳамда ҳайъат аъзолари ва раиси сайланди.**

● Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг фармонига кўра республикада Бош вазир ўринбосарлари лавозими тугатилди. Уларнинг вазифалари вазирларга топширилди. Ҳукумат бошида Бош вазир ва унинг биринчи ўринбосаригина қоладиган бўлди.

● **Россия Президенти Борис Ельцин Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновни шу йил Москвага ташриф буюришга таклиф этди. Ташрифнинг аниқ муддати кейинчалик маълум қилинади.**

● Қозоғистон пойтахти Оқмолада жорий йилнинг биринчи чорагида жиноятчилик бир неча фоиз камайган. Жумладан, сўнгги уч ой ичида қотиллик 15 фоиз, талончилик 33, хонадонларга ўғирликка тушиш эса 42 фоиз камайди. Машина ўғирлаш ҳоллари ҳам кескин қисқарган. Шаҳар полиция маҳкамаси маълумотига қараганда, бунинг асосий сабаби пойтахтда полиция хизматчилари сонининг ортгани ва назоратнинг кучайтирилгани билан изоҳланмоқда.

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида мусулмонларнинг икки байрами — Ийд-ал-Фитр ва Ийд-ал-Адҳани мазкур ташкилот тақвимидаги дам олиш кунлари рўйхатига киритиш масаласи овозга қўйилди. Натижада бу икки мўътабар байрам ташкилот тақвимидан дам олиш куни сифатида жой олди.**

● Жазоирда терроризмга қарши кураш кучаймоқда. Сўнгги кунларда ҳукумат ҳарбийлари томонидан яна юз нафардан зиёд дин ниқобидаги жангарилар қатл этилди.

*● Таҳририятга хат*

## ПОЧТАЧИДАН ЁЛЧИГАНМИЗ

Орамизда ўз ҳаётини одамлар мушкулини осон қилишга бахшида этаётган фидойи инсонлар бор. Янгийўл туманидаги Гулбаҳор почта алоқа бўлими почтачиси Эмма опа Зенкинага ана шундай толе насиб этган.

Ўз касбини эъзозлаган Эмма опа кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда. Иссиқни иссиқ демай, қаҳратон совуқни совуқ демай, обуначилар манзилига шошилиб кетаётган Эмма опани кўрганимда қалбимда чексиз миннатдорлик ҳисси уйғонади. Шу боис ҳам ташаккуримни газета орқали билдиришга қарор қилдим.

Оиламиз билан 1985 йили Гулбаҳор қўрғонига кўчиб келганмиз. Шу йиллар мобайнида Эмма опанинг холис хизматидан баҳраманд бўлиб келяпмиз. Ҳар бир матбуот нашрларини ўз вақтида олиб турибмиз. Обуна бўлиш учун алоқа бўлимига бориб, вақтингизни ўтказишнинг ҳам кераги йўқ. Эмма опага мурожаат қилсангиз бас. Ўзлари келиб, уйингизда обунани расмийлаштириб кетадилар. Почтачи опамиз 1998 йил учун 115 минг сўмлик обуна қилганликларини фахр билан гапиради. Нафақачи ва обуначилар кўнглига йўл топа билган, ўз касбининг фидойиси Эмма опага машаққатли, шарафли ишларида муваффақият тилаймиз. Юртимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб, эл дуосини олиб юришларини истаймиз.

***Ҳурмат ва эҳтиром билан Холмуродовлар оиласи номидан Насибахон ХОЛМУРОДОВА, Тошкент вилояти***

# ЯНГИ РАҲБАРГА ОСОН БЎЛМАЙДИ

**_Тошкент вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси «Тошкент телеком» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, туман электралоқа корхоналарига ёш, талабчан, ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи мутахассислар раҳбарликка тайинланяпти._**

**_Жамоатчи мухбиримиз яқинда Қибрай электралоқа боғламасига раҳбар этиб тайинланган Абдусамат ИСМОИЛОВ билан учрашиб, суҳбатлашди._**

**— Туман электралоқа боғламасининг бугунги кундаги техник ва молиявий аҳволи қай даражада?**

— Туман марказида 3000 рақамга мўлжалланган АТС ўрнатилган. Қишлоқларда ўн учта станциямиз бор. Уларнинг сиғими беш мингга яқин. Шулардан тўрт минг икки юзтаси шаҳарлараро алоқага чиқа олади. Марказда 1978 йили ўрнатилган АТС ҳар жиҳатдан эскириб қолган ва техник талабларга жавоб бермайдиган хонага жойлаштирилган. Ушбу хона таъмирлашни талаб қилади. Тузель ва Яланғоч қишлоқларидан ташқари, бошқа жойлардаги аккумулятор батареялари ҳам яроқсиз аҳволда. Тумандаги тўртта коммутатордан иккитаси ишламайди. Телеграф аппаратлардан ТА-63 русумлиси эскириб қолган, дизель-генератор жойлаштирилган хона эса техник талабларга жавоб бермайди.

Тумандаги линия ва кабелларнинг 30 фоизи 1965 йили, 60 фоизи эса 1974 йили ўрнатилган бўлиб, қолганлари 1989 йили янгиланган. Туман марказидаги Навоий кўчасидан ўтказилган 3 километрли кабел ҳам эскирган.

Тармоқнинг дебитор ва кредитор қарзлари ҳам кўп миқдорни ташкил этади. Корхонага линия муҳандислари ва кабелчи-пайвандчи мутахассислари жуда керак. Сўнгги пайтларда маркетинг тадқиқотлари олиб борилмаганлиги сабабли кўплаб мижозлар Тошкент шаҳрининг 63 ва 64-АТСлари, Чирчиқ шаҳридаги «Чирком» қўшма корхонаси хизматидан фойдаланишмоқда. Аммо шунга қарамасдан боғламамизга аҳоли ва ташкилотлардан телефон ўрнатиш бўйича тушган аризалар сони беш юзтага яқинлашиб қолди.

**— Айтиб ўтилган камчиликларни тугатиш бўйича ишни нимадан бошламоқчисизлар?**

— Биринчи навбатда қарзларни ундириб олишга киришдик. Бу борада туман хўжалик суди ва прокуратура билан ҳамкорликда ишни бошлаб юбордик. Тузилган шартномаларни қайта кўриб чиқяпмиз, айримларини янгидан тузяпмиз, туман газетаси орқали корхона, ташкилот ва фуқароларга мурожаат қиляпмиз. Маҳаллий ҳокимликда ҳар душанба куни газ, электр таъминоти корхоналари ва бизнинг боғламадан қарзи бўлган корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарлари иштирокида қарзларни тезроқ узиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилмоқда. Мана шундай чора-тадбирлар натижасида икки ой ичида 2 миллион 400 минг сўмлик қарзларни ундириб олдик. Жорий йилда юқорида қайд этилган камчиликларни тугатиш ҳамда таъмирлаш ишлари учун 2,8 миллион сўм маблағ ажратишни режалаштириб қўйдик. Шунингдек, аҳолидан тушаётган шикоятлар сонини камайтириш мақсадида техник хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашимиз керак бўлади...

**Туман электралоқа боғламаси ишининг ривожи раҳбар ва меҳнат жамоасига боғлиқдир. Бу борада қибрайлик алоқачилар ҳамжиҳатликда, астойдил изланиб меҳнат қилишлари зарур.**

***Мурод НАЗИРОВ,***
***Тошкент вилояти***



***Бобохон РЎЗМЕТОВ Тошкент электротехника Алоқа институтини 1994 йили тугаллаган. Шундан буён Урганч шаҳридаги 6-АТСда ишлайди. Ёш муҳандис ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда.***

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат**

*• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# РЕЖАЛАР КАТТА, МАҚСАД УЛУҒВОР

Зафаробод тумани Жиззах вилоятининг Фориш тоғлари этагида жойлашган. Туман ҳудудидаги қўрғон, овул ва қишлоқларда 4000 нафақачилар яшашади. Вилоят маркази темир йўл магистралидан анча йироқда — Жиззах даштининг ана шу чекка гўшасида жойлашган қўриқ туманида аҳолига почта хизматини бозор иқтисодиёти талаблари даражасида, намунали йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир.

— Бизда почта алмашинуви ҳафтасига беш марта амалга оширилади, — дейди «Жиззах почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Зафаробод туман филиали директори, меҳнат фахрийси Ғаффор Орипов. — Кундалик почтани ўз эгаларига кечиктирмай етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бу хайрли юмушни бажаришда ҳайдовчимиз Неъматулла Толлиевнинг хизмати катта бўлаётир. Бу йилги режаларимиз ҳам катта.

Туман аҳолисига почта хизмати кўрсатишни яхшилаш учун олиб борилаётган ишларда Собир Раҳимов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси марказида жойлашган «Бирлик» почта бўлими жамоаси пешқадамликни қўлдан бермай келаётир. Бунда мазкур почта бўлими тажрибали хабарчилари У. Хўжанова, А. Дўстмуродова ва Г. Бекмуродоваларнинг улуши салмоқли бўляпти. Улар элга намунали хизмат кўрсатишлари, ҳозиржавоблилиги, камтарлиги ва хушмуомалалиги билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар.

Аниқ мақсадни кўзлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг самарали натижаларини беряпти. Чунончи, барча нафақачилар нафақаларини ўз вақтида олишяпти. Почта хизмати тушумлари бўйича белгиланган ойлик режалар 110 фоиз қилиб бажарилмоқда. «Жиззах почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг туман филиали жамоаси 1998 йил учун меҳнат жамоалари ва якка тартибдаги обуначилардан жами бир ярим миллион сўмлик газета ва журналларга обуна қабул қилишди.

Оила йилида зафарободлик почтачилар қўриқ туман аҳолисига почта хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

***Анвар ИМОМОВ,***
***Жиззах вилояти***

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

# ХАТ ТАШУВЧИНИ ОВОРА ҚИЛИБ

Германияда яшовчи бир автомобиль эгаси 10056 марка миқдорида солиқ тўлаш тўғрисида 35 марта огоҳлантирилган эди. Хат ташувчи бир куннинг ўзида унинг уйига 17 марта овора бўлиб келиб кетди.

Кейин маълум бўлишича, солиқ бошқармасидаги электрон машина аниқ қилиб ёзилмаган олти рақамини ноль деб, яъни 1965ни 1906 деб ўқиган экан. Шунинг учун ҳам солиқчилар автомобиль эгасидан 60 йиллик солиқ талаб қилишибди.

# НОМЗОД ЯНА ЎЗ ЭРИ

Жанубий Африкадаги Иоганнесбургда эридан ажралган бир хотин яна турмушга чиқмоқчи бўлибди. Шу мақсадда у электрон машина ёрдамида кишига энг мақбул жуфтини танлаб берадиган идорага мурожаат қилибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, почта орқали жавоб келибди. Қандай жавоб денг? Ҳисоб машинаси миллион номзод ичидан аёлнинг аввалги эрини танлаб берибди.

# ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Канадалик бир киши узоқ таътилдан сўнг уйига қайтгач, почта қутисидан электр энергиядан фойдаланганлиги учун «0» доллару «0» цент тўлаш ҳақидаги қоғозни олибди.

Турган гап, у бунча «пул»ни банкка тўлашга шошилмабди. Лекин бир неча кундан кейин хат ташувчи келиб, агар пул тўланмаса, чироқ ўчириб қўйилиши тўғрисида огоҳлантирувчи қоғоз ташлаб кетибди.

Кейин уй эгаси компания бошқармасига бориб, жанжал қилган экан, бошқармадагилар нима гаплигини тушуниб етгач, узр сўрашга мажбур бўлишибди.

***А. АЛИЕВ***
***тайёрлади***

# АХБОРОТ ТИЗИМИГА ОИД ИЗЛАНИШЛАР

Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт информатикаси ва автоматик бошқарув кафедраси олимларининг ахборот-коммуникация бизнеси ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига, жумладан алоқа тизимига таъсири билан боғлиқ изланишлари ижобий баҳо олди. Бу тадқиқот ахборот-ҳисоблаш техникаси хизматини йўлга қўйишда муҳим омил ҳисобланади.

Ахборот доирасида маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ изланишлар Тошкентдаги «Фотон» ҳиссадорлик жамиятида синаб кўрилди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ушбу тадқиқот материаллари халқаро «ТАСИС» дастури бўйича иш олиб бораётган «Бозор кўникмасини ўстириш маркази»га тақдим этилди.

Олий ўқув юртида татбиқ қилинган ахборот тизимини ишлаб чиқиш йўриқномаси ҳам юзага келди. Бундай тизимни йўлга қўйишда ҳисоблаш техникаси ва ахборот технологиясининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги масаласига кўпроқ эътибор қилинди. Шунингдек, кафедра олимлари томонидан ушбу изланиш асосида «Ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологияси» деб номланган ўқув қўлланмаси чоп этилди.


## «СУРХОНДАРЁ ПОЧТАСИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

**ҳиссадорларнинг умумий йиллик йиғилиши 1998 йил 3 майда, Термиз шаҳри, А. Бакуменко кўчаси, Зобитлар уйида ўтказилишини маълум қилади.**

**Йиғилиш соат 11.00 да бошланади, рўйхатдан соат 8.00 да ўтказилади.**

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. «Ҳиссадорлар умумий йиғилиши ваколатлари ва уни чақириш тартиби» ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгаши таркибига аъзолар сайлаш.
3. «Аудиторлик фаолияти» ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.
4. Ҳиссадорлик жамияти Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида.
5. Режа кўрсаткичлари истиқболи, 1998 йил учун хизматлар ҳажми ҳақида.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича маълумотлар билан акциядорлар соат 8.00 дан 17.00 гача иш кунлари «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти Кузатув Кенгашига келиб танишишлари мумкин.

**Бизнинг манзил:**
**Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 13-уй.**
**Телефонлар: 3-56-64, 4-33-31.**

***«Сурхондарё почтаси» ҲЖнинг КУЗАТУВ КЕНГАШИ***


## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***«Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти жамоаси директор ёрдамчиси Эргаш ЮСУПОВни туғилган куни билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси ишларида омад тилайди.***

«Тошкент почтамти» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият директори Ю. Мирсоатовга бувиси **Ҳожар ая АЗИЗОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ОҚ ИЛОНЛАР ОЛИБ КЕТДИ СОҒИНЧНИ

*Иброҳим БАРОТ 1972 йили Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманининг Болғали қишлоғида туғилган. Тошкент юридик техникумини тамомлаган. Шеърлари республика, туман газеталарида эълон қилинган.*

## «АРМОН» КИНОФИЛЬМИДАГИ ХУМОР НИГОҲИДАН УҚҚАНЛАРИМ

*Дардларим тилим-тилим,*
*Мен дардимни айтмадим,*
*Суйганим ўзга бўлиб,*
*Куйди ўзгага дилим.*
*Уруш, сенинг овозинг ўчсин!..*
*Оқ қоғознинг қатидан*
*Сўз қидирар нигоҳлар.*
*Ғамгин болишни қучар,*
*Ёр соғинган дудоқлар.*

*Уруш, сенинг овозинг ўчсин!..*

*Қалдирғоч тилларидан,*
*Тўкилади сандавуч.*
*Муҳаббат кўчасидан,*
*Армон тердим бир ҳовуч.*
*Уруш, сенинг овозинг ўчсин!..*
*Мажнунтол сочларидай,*
*Узун-узун хаёллар.*
*Кўз ёшига чайнар,*
*Кетмон тутган аёллар.*
*Уруш, сенинг овозинг ўчсин!..*

## ...ГА

*Нигоҳлар сиз томон қадалди,*
*Тўйхона...*
*Гумбурлар ноғора.*
*Юракдан битта сўз таралди,*
*Келинчак шунчалар гўзал-а!*

*... Сочингиз ўпади остона,*
*Кутлуғ шу қадамдан энтикиб.*
*Жим кутиб олади хобхона,*
*Хаёллар даштида гул тутиб.*

*Сепларга сиғмаган юрагим,*
*Ноласин ҳеч кимса сезмайди.*
*Тонг яқин, йиғламанг севгилим,*
*Янги тонг-у сирни билмайди.*

* * *

*Қизғалдоқлар сизга видолар айтди,*
*Муҳаббат айланди чархифалакка.*
*Ҳайқириқ... тоғлардан садолар қайтди,*
*Алвидо гул, алвидо ёр, алл-видо!!!*

*Нигоҳлар йўлларга қадалиб қолди,*
*Оқ илонлар олиб кетди соғинчни.*
*Мактублар гулханга айланди, энди,*
*Шамоллар элтдилар сизга ўкинчни.*

*Арава ортидан чанг-тупроқ —*
*кўтариб гўдаклар югурар.*
*Тўй бу кун... тўй бу кун... бир титроқ,*
*Умид гулларини сўлдирар.*
*Алвидо гул, алвидо ёр, алл-виидоо!!!*

**Иброҳим БАРОТ**

• Тўйхат

## ҲАМКАСБИМИЗ 50 ЁШДА



**Умрни бежиз оқар сувга ўхшатишмаган. Бунга таниқли журналист Ислом УСМОНОВ 50 ёшга тўлибди деган хабарни эшитиб, яна бир карра амин бўлдик. Ахир кечагина эмасми Ислом Усмонов ёш йигитлардай биз билан бир сафда елиб-югуриб жавлон урганлари?! Дарвоқе, у киши 1992-1995 йиллари газетамизда бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган эдилар. Ана шу йилларда газетамизнинг ранг-баранг, мазмунли чиқишида Ислом Усмоновнинг ҳиссаси катта бўлди.**

**Ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга одатланган Ислом Усмонов ёзган мақолаларини китоб ҳолида нашр қилишга улгурган саноқли журналистлардан биридир. Таъкидлаш жоизки, бунга у меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги боис эришган. Ҳозир Ислом Усмонов «Меҳнат» нашриётида хизмат қиляпти. Аммо биз — «ХАБАР»чилар билан алоқани узгани йўқ. Таҳририятимизга келиб, ёзганларини бериб кетади, қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрайди.**

**Биз ҳамкасбимиз Ислом УСМОНОВни туғилган куни билан табриклаб, соғлиқ, узоқ умр, ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Сизни ёшларга хос шижоат ва ғайрат ҳеч қачон тарк этмасин деймиз.**

***«ХАБАР» газетаси жамоаси***

• Биласизми?

### АВВАЛ ҚАНДАЙ ЧЕКИЛГАН?

Тамакининг Европага тарқалишида улуғ денгизчи Магеланнинг сафдошлари катта рол ўйнашган. Улар тамакини Кубадан келтиришган. У ерда аборигенлар тамакининг қуритилган баргларини найга ўхшатиб чекишган.

Англияда эса дастлаб трубкалар ва махсус чекиладиган тувакчалардан чекилган. Бироқ кўпроқ тамакини искаш расм бўлган. Искаш учун тамаки солинган бежирим қутичалар тўкислик нишонаси бўлган.

АҚШда дастлаб тамакини чайнаш кенг тус олган. Ўша пайтларда тамаки чайновчи зиёлилар ҳамёнларида чайналган тамакини туфлаш учун махсус банкачалар олиб юрарди. Бу одат узоқ вақт, ҳатто XIX асрда резина сақич ва сигареталар пайдо бўлгандан кейин ҳам давом этган.

### СПОРТЧИЛАР ҚАДИМДА ҲАМ ЭЪЗОЗЛАНГАН

Калифорния университетининг мутахассиси Дэвид Янг шу пайтгача ҳеч ким ўрганмаган ишни ўрганишга бел боғлади ва бунга эришди ҳам. У кўпгина тарихий манбаларни кўздан кечириб, қадимда спортчиларнинг «гонорар»лари қанча миқдорда бўлганлигини билишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, қадимги Римда спорт «юлдуз»ларининг бир йиллик даромади ҳозирги пул билан ҳисоблаганда 170000 доллар атрофида бўлган экан.



— Юринг бобо, варрак учирамиз...

## Ноннинг хосиятлари

**Нон тайёрлашнинг турли-туман усуллари бор. Ноннинг ширин бўлишини хоҳласангиз қанд шираси ёки шинни қўшиб тайёрланг. Устига эса товуқ тухумининг сариғидан сурканг. Унинг чиройли ва доривор бўлиши учун устига пўсти тозаланган кунжут, арпабодиён ва зирадан сепинг.**

***Оби нон**дан бошқа нонларнинг ҳаммаси ҳам қийин ҳазм бўлувчидир. Бироқ буйракка қувват бўлади. Ноннинг хосияти қайси дондан тайёрланишига боғлиқ.

***Иссиқ нон.*** Баданни қиздирувчи ҳамда ошқозондаги ҳўл рутубатларни қуритувчидир. Тишлаб турилса ва чайналса тиш қамашини йўқотади.

***Совуқ нон.*** Баданга ҳўллик бағишлайди, кишини семиртиради ва кучли қилади.

***Қоқ нон.*** Кеч ҳазм бўлади, қуритувчи хоссага эга. Ҳамма тури ҳам кишида чанқоқ ҳосил қилади. Зираворлар, сариқ йўнғичқа ва седана билан ёпилгани эса иштаҳа қўзғатади, кеч ҳазм бўлади, тиқилмаларни очади, рутубатларни қуритади, елларни тарқатади. Кўкнор уруғи сепилгани эса ухлатувчи ва қотирувчидир.

***Патир нон.*** Кепаги батамом чиқариб ташланган ва яхшилаб эланган ундан тайёрланган патир нонлар қийин ҳазм бўлади,тиқилма пайдо қилади ва ел ҳосил қилади. Кепаги бутунлай олинмагани эса ҳаммага баб-баробар фойда қилади.

Арпа унидан қилинган нон нўхот унидан қилинган нонга нисбатан тез ҳазм бўлувчидир. Аммо совутувчи ва овқатлик қуввати кам. Ошқозон заифлашмаган ҳолда рўй берган ич кетиш ва ҳароратли иситмаларга қарши фойдали. Ел пайдо қилади. Совуқ мижозли кишиларда эса ичак санчиғини пайдо қилади. Уни йўқотиш учун эса асал суви, яъни асални паст оловга қўйиб, кўпигини олиб ташлаганда қолган шираси ичилади, гўштли шўрва ва шакар истеъмол қилинади.

***Буғдой, гуруч ва арпа*** унидан тайёрланган нонларга ёғ қўшилмай, шакар қўшиб тайёрланса, тез ҳазм бўлади. Ноннинг бошқа турлари ичида шу унлардан қилинган нонлар афзалроқдир.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-35-29, 144-29-09.
ИНДЕКС: 64600, факс 136-36-42,
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-011169. 15061 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 21.00
Босишга топшириш вақти — 21.00
1 2 3 4 5 6

## ДУШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Наврўз тароналари»
9.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сополда акс этган дунё».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
**10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.**
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 «Ажойиб ҳаёлпараст». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 Спорт. Спорт. Спорт.
12.55 «Болалар нашрлари — меҳмонимиз»
13.15—14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Хоразм» (Урганч) — «Навбаҳор» (Наманган).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Сиртқи телевизион олимпиада.
18.30 «Олам ва одам»,
18.50 «Юрак, сенсан менинг розим...» Р. Одамбоева.
19.10 «Ҳуқуқий жамият сари».
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Диёр». Тележурнал.
22.05 Дилрабо тароналар.
22.25 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида)
18.15 «Ёрилтош». «Мультттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Тарозу».
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Туркия).
22.05 «ТВ-2» — шу ҳафтада.
22.25 «Бешинчи ўлчов».
22.45 «Даракчи» (рус тилида)
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси.**
**6.30 — 8.00**

* * *

**17.20 — 20.40**

*

20.30 «Тошкент — янги шаҳар». Манзарали фильм.
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

**Россия давлат телевидениеси.**
**21.00 — 21.35**

*

21.35 Эълонлар.
**21.40 «Катта талант». Бадиий фильм(Олмония).**
**22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).**

IV

**17.10—18.45 Туркия телевидениеси**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша»,
19.05, 22.20 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Рангинкамон»
«Дидар».
20.55 «Мусиқий танаффус».
21.00 «Умр баҳори».
21.15 «Табиат шифохонаси».
21.25 «Намастэ».
21.45 «Ҳаёт карвони».
22.05 «Бож хирож».
22.25 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.45 «Спорт-тайм».
23.15 — 23.25 Хайрли тун!

## СЕШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ватан, мадҳингни куйлайман!». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Оила».
9.40 «Темурнома» Видеофильм.
**10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.**
10.05 «Собиту сайёрада». Адабий кўрсатув.
10.25 Инглиз тили.
10.50 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
11.15 Алифбо сабоқлари.
11.45 «Рақс оламида».
12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Тимсоҳ ва шер исканжасида». Мультьфильм.
12.35— 14.00 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Мультфильм. «Бир том остида».
18.25 Сиртқи телевизион олимпиада.
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
1955 «Дунё адабиёти».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Бевосита мулоқот.
21.35 Олтин мерос. «Барҳаёт наволар». Ҳ. Охунова.
22.15 «Ўзбекистон фуқароси.
22.35 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.10 Шарқ эстрадаси.
**19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Онагинам».
21.10 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 2- серия.
22.00 Кундалик.
22.10 Спорт қитъаси.
22.40 «Даракчи».
21.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ! Майкл Дудикофф «Йўқотишга буйруқ берилсин» фильмида.
00.30 — 00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси.**
**6.30 — 8.00**

* * *

**17.20 — 20.30**

*

20.30 «Тошкент — янги шаҳар». Манзарали фильм.
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

**Россия давлат телевидениеси.**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Бриджет Бардо «Никоҳ кечаси» фильмида (Франция).
24.00 «Хотирамиздаги шаршара». Телефильм.
00.10 — 00.30 «Ахборот (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 Телефакт.
19.30 «Ёлқин».
19.50 «Мусиқий дақиқалар».
19.55, 22.30 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 Очиқ дарс.
21.05 Мусиқий дақиқалар.
21.10 «Долзарб репортаж».
21.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.
21.50 «Ўйингоҳ».
22.10 Хит-коллекция.
22.35 «Қувноқ кино».
23.55 — 00.05 Хайрли тун!

## ЧОРШАНБА,15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот.

*

8.25 Лирик концерт.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
9.15 «Бокира туйғулар».
9.40 «Темурнома» Видеофильм.
**10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар**
10.05 «Мусиқий саёҳат».
10.25 Болалар учун. «Мактублар — кабутарлар».
10.50 «XIII Осиё ўйинлари олдидан».
11.10 «Шарқ табобати»
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 «Жараён».
12.30 «Алдар Кўса ва бой». Мультфильм.
12.40 — 14.00 В. Шекспир. «Қирол Лир» А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бешбармоқ». Тележурнал
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Балоғат бекати».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури—амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...»
21.55 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув. 1-қисм.
22.10 «Ўхшаш чеҳралар».
22.50 «Тафаккур ва тақдир».
23.10 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Битик».
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кулгига нима етсин».
21.15 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
22.05 «Хонадон».
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 «Буюк изқуварлар. Каломбо». Телесериал.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси.**
**6.30 — 8.00**

* * *

**17.20 — 20.40**

*

20.40 «Долзарб репортаж». Телекўрсатув.

*

**Россия давлат телевидениеси.**
**21.00 — 21.35**

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Бронкс — Апачилар макони». Бадиий фильм. Бош ролда — Пол Ньюмен.
23.30 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.05 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.30 Оҳанглар оғушида.
20.45 Ҳуқуқ ва бурч.
21.10 «Азизим».
21.35 «Дурдаршан».
22.10 Кинематограф. «Мисс фариштa».
23.35 — 23.45 Хайрли тун!

## ПАЙШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Дутор ва танбур тароналари.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади:




«Ургутлик кулол».
9.20 «Бола дунёни тебратар».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
**10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.**
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 «Болалар хотира китоби» Ҳ. Имонбердиев.
10.50 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.10 «Миллий эстрада — давр талаби».
11.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.05 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
12.20 «Камолот».
12.35 Кундузги сеанс. «Сиздан у гина, биздан бу гина». Бадиий фильм.
14.10 —14.30 «Донишнома».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кел, дўстлашайлик». Мультфильм.
18.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.35 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
**19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 Ёш хонандалар концерти.
22.00 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув. 2-қисм.
22.15 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
22.35 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
23.00 Аруз гулшани.

**«Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:**

23.10 «Абадият қўшиғи».
23.30 «Нотаниш дил суҳбати».
23.45 «Ибтидо иноятн».
00.05 «Ахборот».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»
18.15 «Аралаш -қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесерил.
18.50 Дилнавоз садолар.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин...
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
22.10 «Одамлар орасида».
22.35 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Оилавий экран. «Мен бир қизни учратдим». Кинокомедия.
00.25—00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.20 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси.**
**6.30 — 8.00**

* * *

**17.25 — 20.45**

*

20.45 «Семурғ — бахт қуши». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси.**
**21.00 — 21.35**

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Ҳинд фильми ишқибозларига: «Парама». 1-серия.
22.40 — 23.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Ҳамшаҳарлар».
19.25 «7 дан 70 гача».
19.50 Мусиқий дақиқалар.
19.55, 22.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 Минг бир маслаҳат.
21.50 «02» тўлқинида.
22.05 Каталог.
22.15 «Мода ҳақида».
22.35 Мусиқий Олимп.
23.00 «Киносалон».
00.20 — 00.30 Хайрли тун!

## ЖУМА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади».
9.40 «Темурнома» Видеофильм.
**10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.**
10.05 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
10.30 Немис тили.
11.00 «Деҳқон баҳори».
11.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.05 «Олов дамини даф этиб».
12.20 «Меҳр макони».
12.35 Кундузги сеанс. «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Олтин хотира». Адабий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Бир жуфт қўшиқ».
18.35 «Ёшлик» студияси, «Ўзлигингни излайман». Телебеллашув.
19.00 «Хайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таянч нуқтаси».
20.10 Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув. 3-қисм.
22.30 «Саҳна ҳаёти».
23.00 «Ахборот».

**«Мунаввар дунё» маърифий-дам олиш дастури:**

23.25 «Азиз сиймолар».
23.45 Бадиий фильм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.40 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кўнгил тароналари».
20.10 «Дубляж».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хуш келибсиз».
21.20 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Бокс. Бокс. Бокс.
22.50 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.10 — 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.10 Киноафиша.
17.15 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси.**
**6.30 — 8.00**

* * *

**17.20 — 20.40**

*

20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

**Россия давлат телевидениеси.**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Парама». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40—23.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Наволарда аён этсам».
20.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Кинематограф. «Машина ойнасидаги шайтонвачча».
23.05 Араб эстрадаси.
23.35 — 23.45 «Мунаввар тонг истаб...».

## ШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон баҳори».

**«Ёшлик» студияси намойиш этади:**

9.50 «Ш'і Ватанга бордур менинг керагим».
10.10 «Мулоҳаза, муносабат, мунозара».
10.30 «Орзулар қанотида».
10.50 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
11.30 «Зиёрат».
11.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
12.10 «Ёзувчи ва замон».
12.30 «Кичкинтой» устахонаси.
12.50 Кундузги сеанс «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
14.05 — 14.35 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.

* * *

16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Мультолам».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
**19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.25 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
22.30 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
23.00 «Ахборот».

**«Тунги ёғду» дам олиш дастури:**

23.25 «Соғинч». Киноконцерт.
23.45 «Шароитни ўзгартирувчи». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
01.15 — 01.20 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 Ҳ. Султонов. «Чангак». Видеофильм.
10.15 «Хуш келибсиз».
10.35 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.25 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.45 Бокс. Бокс. Бокс.
12.05 Болалар экрани. Уолт Дисней мультфильмлари.
13.25 «Сир».
13.45 «Нью-Йорк». Телесериал.

*

14.30 Кўрсатувлар дастури.
14.35 «Ёрилтош». Мульттўплам.
14.45 Дубляж.
15.00 «Очун».
15.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.10 «Спорт қитъаси».
16.40 «Мутойиба».
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.45 «Гулдаста». Мусиқий дастур.

*

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «У ким? Бу нима?».
18.25 «Спорт қитъаси».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Таянч».
**19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Бизнес-академия.
20.10 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Ханда дўкони».
22.40 «Даракчи».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. «Кугемуша» (Япония).
00.40 Эстрада концерти.
01.00 — 01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
**16.20 — 23.55**

*

23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Гўзаллик яратувчилар». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Шанба эртаги».
11.35 — 12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
(«Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

***

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.35 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ягона осмон остида».
21.00 «Бу ажиб дунё».
21.15 Хит-коллекция.
21.40 Киносалон.
23.20 Спорт-марказ.
24.00 — 00.10 Хайрли тун!

## ЯКШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бизга мактуб йўллабсиз».
11.20 «Фан уфқлари».
11.40 «Ўзбекистон бастакорлари». Н. Норхўжаев.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Менга сўз беринг!».
12.35 «Туркий қавмлар». Юз.
12.50 «Санъат олами».
13.10 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Бухоро» (Бухоро).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хўжа Насриддин». Мультфильм.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Санъаткор саодати». Ш. Аҳмедов.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
**19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.15 — Эълонлар.**
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ишқ дафтарин варақлаганда...». Кинокўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 Телевизион минниатюралар театри.
21.35 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
22.20 Футбол тарихи.

**«Аср мўъжизаси» кинодастури:**

23.00 Кино янгиликлари.
23.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.35 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 3-серия.
00.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «МҲСК — «Сўғдиёна» (Жиззах).
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «У ким? Бу нима?»
9.15 Ш. Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан». Видеофильм.
10.30 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
10.40 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
12.00 «Бизнес-академия»
12.15 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
13.05 «Кўнгил кўнгилга пайванд».

**«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ:**

13.40 Кўрсатувлар дастури
13.45 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.35 «Интер-футбол».
15.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.55 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
16.40 «Интер-футбол».
16.55 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.40 Келгуси ҳафтада.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат»
18.30 «Бўш ўтирма».
18.50 «Турфа олам».
19.15 «Нафосат».
**19.25, 19.55, 21.00 — Эълонлар**
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Жараён».
20.15 «Тақвим». Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Изҳор».
22.15 Якшанба кинозали. Эмилис Эстевес ва Мартин Шин «Уйдаги жанжал» драмасида.
00.15 Миллионлар ўйини.
00.35 Жаҳон халқлари эстрадаси.
00.55 — 01.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 «Цирк, цирк, цирк».

*

**Россия жамоат телевидениеси.**
**17.25 — 23.00**

*

23.00 Эълонлар.
23.05 «Оскар—98».
00.25 — 00.50 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

*

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси**

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.50 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 «Бугунги кун мавзуси».
20.00 Клип-антракт.
20.10 «Хайрли оқшом!».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 Иштирок этувчилар.
21.20 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.55 Киносалон.
23.55 «Буржлар башорати».
00.50 — 01.00 Хайрли тун!

**(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).**